

НАРРАТИВ МАТНДА ЗАМОН ШАКЛЛАРИНИНГ ФАОЛЛАШУВИ

Бердиева Гузал Низомжон қизи
СамДЧТИ ўқитувчиси

Annotation- Ушбу мақолада нарратив матнда ифодаланадиган турли замон шакллари, уларнинг тусланиши, категориялари ҳамда маънолари ҳақида ёритилган. Бундан ташқари кўплаб хорижий тилшунослар замонлар ўртасидаги турли алоқалар ҳақида ҳам ўз фикрларини баён қилганлар.

Key words: Аспект, замон шакллари, нарратив матн, темпораллик.

Нарратив матнда ифодаланган маъно матн таркибини белгилайди. Бунда эътибор грамматиккага эмас балки тушунчага оид бўлади. Матндаги замон шакллари алоҳида кўриб чиқилиши талаб этилади. Лекин, замон билан аспект матннинг семантик категориясини ташкил қилади. Уларнинг матндаги боғлиқлиги бевосита феълга тегишлилиги сабаб бўлади. Биринчидан уларнинг қайси бири ҳоким ёки улар ўртасидаги ҳокимлик тобелик котигорияси мавжудми ёки улар тенг ҳуқуқлими? аммо улар ўртасидаги алоқа мавжудлиги шубҳасиздир. Чунки, айнан инглиз тили нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак *аспект* масаласи бахсли саналади.

Матндаги *I am going to* бирикмасини қисман морфологик замон шаклига эга бўлсада аспектual маъноларга ҳам алоқадорлиги кўринади. Бундан ташқари юз бериши керак бўлган ҳаракатни ифодаловчи бошқа воситаларнинг матндаги вазифалари ноаниқроқ туйилмоқда.

Матндаги феълнинг шахсли шакллари системада ўзаро тенг воқеликларни англатади. Матндаги замон шакллари тўғри ҳаракатланаётган чизиқ сифатида кўриб чиқилади. Бу ўз ўрнида замонни ҳозирги воқелик билан боғлаши учун қўлланилади. Бу ҳолатни биз нутқда кузатишимиз мумкин. Матнда келажак ва ўтмишни ифодалашнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ўтган замон ўз навбатида ўтмишни ва келажакни ифодалаш мумкин бу ҳолат келаси замонда ҳам кузатилади. Назарий жиҳатдан замонни матн

доирасида кўриб чиқиши барча шаклларни тилда мавжуд бўлган огзаки шакллардан фойдаланиши, барча феъл шакллари ўз ичига олмайдиган мантиқий схемалар билан боғлиқ. Бошқа томондан нарратив матнни схематик ифодаси грамматик шаклдан ташқари аспектual маъно берувчи тил воситаларини ҳам қамраб олади. Шундай қилиб, инглиз тилида нарративликни хосил қиладиган Past ва Present simple шакллари кенг фаоллашади. Матн таркибидаги Continuous Perfect шакллар аспектual хусусиятини белгилайди. Аммо, ҳар бир тилда шаклланадиган матн она тили қоидаларига бўйсиниши баробарида ўша тил онги, тафаккурига мос тарзда яратилади. Бунда, баъзи тил учун маълум воқелик муҳим аҳамият касб этмаслиги, бошқалари учун бу аҳамиятли саналади. Жумладан, инглиз тилида сўзловчи нутқи пайтига нисбатан нарратив воқеликнинг қанчалик олдин ёки яқин пайтда амалга оширилганлиги муҳим эмас. Аммо, ўзбек тили сохиблари учун матнни сўзловчи позициясига нисбатан яқин вақт оралигида ёки анча олдин содир этилганлиги муҳим. Шунинг учун ҳам ўзбек адабий тилида бу махсус лексик-грамматик кўрсаткичларга эга. Инглиз тилида эса турли феълларининг формалари мавжуд бўлишига қарамасдан узок ўтмиш ёки яқин ўтмиш фарқланмайди. Инглиз тилида феъл шакллари ҳаракат кетма-кетлиги ёки ҳозирги воқеликка алоқадорлиги муҳим ўрин тутади. Шунинг учун нарратив матн Present, Present simple сингари замон шакллари тегишли бўлади. Лекин, давомий шаклларни ишлатилиши нарратив матнда кўйидаги ҳолатларда юзага келади;

- а) нарратив воқеликни пайтига ишора қилишганда ;
- б) қисқа вақт оралигида давомли ходисалар баёнида

Перфектни ретроспектив маъно ифодаловчи форма сифатида аниқлаш унинг грамматик моҳиятига даҳлдор бўлмайди. Шундай қилиб, перфектни ретроспективлик(ўтмишга қаратилганлик) формаси сифатида аниқлаш, унинг асосий грамматик маъноси таҳлилини бермасдан туриб мақсадга эришиб бўлмаслиқни билдиради.

Ретроспективлик перфектнинг ўтган замон билан ҳозирги замон

Ўртасидаги алоқасини кўрсатувчи хусусият сифатида тан олинади. [Варонцова, У. Брайн, Г.Крюгер].

Шулардан Крюгер уч ҳолатин кўрсатиб ўтади:

1) тугалланмаган ҳаракат вақти; 2) ҳозирги замонга қаратилган ҳаркат натижаси; 3) тугалланмаган ҳаракатнинг ўзи. Бу ҳолатларнинг ҳаммасида ҳам ўтган замоннинг ҳозирги замон билан муносабатларига эга бўлган воқеа-ходисаларни бирлаштиради.

Нарративликда темпорал дискурс воқеа-ходисаларни юз бериш вақти ҳозирги воқеликка алоқадорлиги, перфектив ҳаракатнинг ҳозирги замон билан алоқасини, воқеа-ходисани тугалланмаган замон вақтига тўғри келиш жиҳатларини бирлаштириб туради. Г.Н.Воронцова перфектнинг асосий мазмунини кетма-кетлик маъноси яъни, ўтган ва ҳозирги воқеа ходиса ўртасидаги мувофиқлик сифатида баҳолайди [Воронцова]. Нарратив матндаги перфект ходисалари воқеликни ҳозирги вақт ўртасида алоқа мавжудлигини аниқлашга хизмат қилади. Албатта, бу алоқа воқеликни сўзловчи нутқига алоқадор бўлган ҳозирги воқеа ходиса ўртасидаги кетма-кетлик ифодаланганлига кузатилади. Бунда, перфект ифодаланиши алоҳида ходисани тугаганлиги ва бошқасини давомийлигига ишора қилди. Бу албатта, ҳозирги перфектнинг ўтган ва ҳозирги воқеа ходиса ўртасидаги кетма-кет воқеликларни алоқасини ифодаловчи ўзига хос хусусиятидан далолат беради.

Ўтган замоннинг грамматик шакллари нутқга нисбатан анча олдин, нутқ пайтидаги ходисага алоқаси бўлмаган маънода қўлланилади. Гап шундаки «ўтган» «ўтмиш» каби терминлар грамматик жиҳатдан доим нутқ сўзланиши керак бўлган даврдан олдин англаши замонни англатади. Нарративликни асосини ҳам шу шакл ташкил қилади.

Нарративликда замон шакллари ўтган ва ҳозирги замон орасидаги сабаб жиҳатидан ўзаро боғлиқлик маъноси, ҳозирги замоннинг ўтмишга шартли равишда боғлиқ маъноси ва ҳокозолар учрайди. Бунда темпорал ва аспектуал семантика темпорал воситаларнинг фаоллашувига боғлиқ

бўлади.

Инглиз тилида давомийлик биринчи навбатда замон шакли доирасида (continuous шакли) юзага келади. Мазкур ҳолларда давомийлик феълларнинг акционал хусусиятидан қаттиқ назар юзага келади. Indefinite шаклида ифодаланадиган давомийлик эса биринчи навбатда феълларнинг чегараланганлик-чегараланмаганлик хусусиятлари асосида ва контекст доирасида амалга ошади. Феълларнинг ушбу замон шакли феълнинг акционал хусусияти билан мослашган ҳолда англашилмаган давомийликни ёки процессуалликни билдириб келади. Мазкур ҳолда улар аспектual контекст воситалари ёрдамида предикат билдирган ҳаракатнинг давом этишини англатади. Бунда давомийлик феълнинг акционал хусусияти ва феъл бўлмаган бошқа маркерлар таъсирида ифодаланади. Ҳаракатнинг давомийлиги вақт, замондаги оқими сифатида қаралади. Масалан: *I move from town to town [Bulgakov]. Whenever he see her, she is always reading [Mitchell].*

Келтирилган учта катта концептдан ташқари аспектualлик доирасида талқин этиладиган бошқа кичик семантикалик концептлар ҳам мавжуд. Маълумки, инсоннинг онгида тил нуқтаи назаридан қаралганда ҳам ҳаракатлар, вазиятлар, ҳодисаларнинг саналиши, кетма-кетлиги акс этади. Ҳаракатнинг такрорланиши (кенгирок маънода- процесс, ҳолат, ҳодиса) тилда унверсал мантиқий проекция ҳисобланади. Феълнинг кўп қарра, такрорийлик маънолари тадқиқ қилиниши биринчи бўлиб О. Есперсен “Грамматика фалсафаси” асарида ўз эътиборини қаратади. Автор бир қарралик ва кўп қарралик тушунчалар феълнинг ўзида ҳам бўлишини уқтуриб ўтади [18]. Мазкур ҳодисалар ҳам маълум бир концептга бирлашади. Ушбу воқеавийликни ифодалайдиган концептлардан бири такрорланувчанлик концепти бўлиб, уни ҳам ўз навбатида итеративлик, мултипликативлик ва дистрибутивлик хусусиятини намоён этиши мумкин. Мазкур аспектual тушунчалар миқдорий хусусиятга эга бўлишади.

Матндаги итеративлик таркибан, ифода турига қараб мураккаб

хисобланади. Тилнинг онгда акс этишида маълум бир градациялар, яъни тез-тез, баъзан, гоҳида содир бўладиган вазиятларнинг миқдори, саналиши кузатилади ва бу ҳол итеративлик концептини вужудга келтириб, гап, текст доирасида турли кўрсаткичлар ёрдамида юзага келади. Масалан: 1) *I often sleep in on Sundays*; 2) *Rinaldi sat on the floor and bent the knee gently backandforth*; 3) *Through the other noise I heard a cough, then came the chuck-chuck-chuck-the there was a flash*. Келтирилган мисолда маълум бир вазиятнинг такрорийлиги темпорал адвербиаллар таъсирида юзага келган, яъни одатий турга кирганлиги ифодаланган. Ушбу матндаги итеративлик эса, вазият доирасидаги такрорийлик юзага келган ва бу ҳол текст билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Кичик эпизодларнинг бир тарзда такрорийлигини ҳосил бўлиши ҳам итеративлик сифатида талқин қилинади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Г.Крюгер. 1996. “Братья Гримм”
2. Г. Н. Воронцова –“Очерки по грамматике английского языка” 1960
3. Есперсен О. “Философия грамматики” Москва, 1958
4. М.Булгаков 1901. “Театральный роман” Журнал «[Новый мир](#)»
5. Сафаров. Ш. Прагмалингвистика. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Тошкент, 2008,- 300 б.
6. Mitchell “Number 9 dream” February 11, 2003 by Random House Trade Paperbacks